



ХИКМАТЛАР

Сени мағлуб этишга қаратилган бўлса ҳам ҳақиқатни гапир.

Узининг ҳақиқатига қатъий ишонган киши ҳеч қачон бақириб гапирмайди.

Дўстига ёмонликни раво кўрган киши ўзгалар эътиборини қозонмайди.

От минган ҳар бир киши навқандоз бўлавермайди.

Бир-икки қалдирғочни кўриб, баҳор келди деган Богбон янгилади.

Машқини олмаган қилчбоз ўз куроли билан ўзига шикаст етказди.

Узи йнгламаган киши бошқани йнглата олмайди.

Ҳаракатдан тўхташ — орқага чекиниш демасди, Темир ҳам бир жойда туриб қолса занглайди.

Боболар ҳикоятидан

Икки шоир

Икки шоир бир кичкинликда суҳбатлашиб ўтиришарди. Бир пайт мезбон дастурхонга жуذا қайноқ таом келтириб қўйди.

— Бу овқат жаҳаннам оловидан ҳам иссиқ!

Иккинчиси унга жавоб қилди:

— Агар ҳозир сен ўз шеърларингдан бир байтини ўқисанг, овқат музлайди-қолади!

Қўш хотинликнинг жазоси

Бир кишининг икки хотини бўлиб, бири қари ва иккинчиси ёш эди. У бир кун қари хотин билан, бир кун ёш хотин билан турмуш кечириб эди.

Кунлардан бир кун — ёш қари хотинининда ухлаб ётганда, хотини ўйлади: — Агар эрининг соқолидаги қора туқларни юзсам, фақат оқ туқлари қолади. Сўнгра ёш хотинининг эрим билан унчалик иши бўлмай қолади.

Қари хотини шундай деб ўйлаб, эрининг соқолидаги қора туқларини юлиб олибди.

Бошқа бир кун эр ёш хотинининг уйида ётганда, хотин эрининг ошпоқ соқолидан гаши келиб, битта-лаб юлиб ташлабди. Шундай қилиб, қўш хотинлик эр бесоқол бўлиб қолди.

Донишманд

Бир шоир донишманднинг ҳузурига бориб, янги ёзиб тугалланган китобини кўрсатибди. Донишманд китобни варақлаб кўриб, мақтабди. Шоирга мақтов хуш ёниб, дебди:

— Қани, энди китобининг шуҳрати бутун шаҳарга тарқалса!

Донишманд дебди:

— Ғам ема, истасанг, китобинг ҳозирок шуҳрат топиши мумкин.

— Қандай қилиб? — ҳовлиқиб сўрабди шоир.

— Чорсунинг ўртасида каттакан дарахт бор, китобингни ўша дарахтга осиб қўйсанг, ўтган-кетганини кўзи тушиб ўқийди.

— Одамлар бу китобни меники эканлигини наердан билишади?

— Бунинг учун ўзингни ҳам ўша дарахтга осиб қўйсан-да, — дебди шоирга донишманд.

М. Валихонов тўғрисида юборган.

МЕҲМОНДОРЧИЛИККА БОРАР ЭКАНСИЗ...

БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚУЙИ-ДАГИ АССОСИЙ ҚОИДАГА ТАКЛИФСИЗ МЕҲМОНДОРЧИЛИККА БОРА КЎРМАНГ, ДУСТЛАРИНГИЗ АГАР СИЗНИ КУТИШАЭТГАН БУЛ-БИ ҚИМ ҚАВМУ-ҚАРИНДОШЛА-РИНГИЗНИНГ БУШ ВАҚТЛАРИ УЧУН...

Ўзга яраша плавлари бўлади. Агар бирор танили вақтда уршишга келишиб қўйган бўлсангиз, ҳеч вақт кечикманг, бора кўрманг, дўстларингиз Агар сизни кутишаётган бўл-би қим қариндошларингизнинг буш вақтлари учун...

вақтда олдиндан кечикишингиз ёки бутунлай бора олмаганингиз ҳақида огоҳлантириб қўйиш.

Меҳмондорчиликда ўтириб қолманг. Санъат, адабкет ёки илм ҳақидаги мушоҳадага қатъий нашар экансиз, ўз фикрингизни фақат мушоҳада асосида билдириш. Мушоҳададан ўз билмаганингизни намойиш қилиш учун фойдаланманг.



Оққушдек ҳимо билан раққослар хиром айлар. Ҳар ишва назоқат-ла, қўйилга ором боғлар. М. Нуриддинов фототўждлари.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИ

— Ойи, дадамлар менга, биз маймундан тарқалганимиз деб айтдилар. Шу ростми?

— Билмадим, бола-иним. Даданг доимо мени ўз авлоди билан таништиришни истамасди.

Шотландиялик Бир киши ошансининг тўн кунини тушган суратини кўра туриб:

— Нега энди сен ва рафиқанг бир-бирларингдан жуذا ҳам йироқда туриб суратга тушдиларинг! — деб сўради.

— Борди-ю, вақт-соат келиб биз бир-биримиз билан йироқиб кетгудек бўлсан, унда у ўз суратини, мен эса ўз суратимни қирқиб олиб кетаверганимиз, — деб жавоб қилди шотландияликнинг оғайини.

— Мистр Браун, эшитишимга қараганда, сизнинг қизингиз ҳонанда бўлишга қизиқиб, музикани ўрганаётган экан. Унинг муваффақиятлари қандай?

— О, қизимга офаришлар бўлсини, мен у туғилган кундан бери унинг уйини арзон гаровга олишга муваффақ бўлдим, — деди Мистр Браун.

— Очигини айтсам, — деди ёшгина аёл ўзининг танишига, — умрим бини бўлиб уч мартагина ёлгон гапирган эдим.

— Буниси билан эса, тўртинчи марта бўлди, холос.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

Ширғурч пишираётганингизда қайнаб турган қозонга шаккар сола кўрманг. Акс ҳолда гуруч эзилиб, ширрача ўхшаб қолади. Шакарни қайноқ сувда эритиб, ширғурч пишишга яқин қолганда қўшиб юборсангиз гуруч дондор бўлиб туради.

Шуни домд эсда тутти лозимки, жуذا иссиқ ёки ҳаддан ташқари совитилган оёқтин танабул қилиш зарарли ҳисобланади. Катта тажрибага эга бўлган врачларнинг ошқозонинг касаллигининг кўпичи ани шундан бўлишини тахмин қилмоқдалар.

Мойни мис қидиларда сақлаш ярамайди. Чунки, ёнинг теъда сифати бўзилиб кетади.

Хамир қилинадиган ун тоза бўлса ҳам, уни элаш лозим. Эламанган ундан хамир тайёрланганда, унинг таркибига ҳаво киролмасдан қолганиги сабабли қўлчиш жуذا узоққа чўзилмайди.

Уй ичиштираётганингизда ва ҳовли супурган пайтда бетта чанг қўйишдан сақланш учун крем суртб қўйиш. Ички таом қилиб бўлган, юмшоқ қозоқ юлбай юзингизни артиб, сўнг юлбайгиз чангдан асар қолмайди.

Шунақаси ҳам бўлади

Кимнинг тирноғи узун?

Дехлилик 25 ёшли бир йигит тирноқ ўстиришида дунё рекордини кўйди. Унинг чал қўл бармоқларидаги тирноқлар 17-25 сантиметргача ўсган.

Мутахассис изохчи

Ноёб операция

Янгила, Калуга область тавассутида «Знамя» ақойиб бир воқеа туғилди. Мақтаб канибуқларнинг «Биринчи 17-мактабининг еттичи синф ўқувчиси ўн тўрт йили Виктор Колесников баландликдан чангдан пастига тушаётганида чанги тағинга уришиб келди. Таёқ худди ёй сингари унинг қорнидан тешиб ўтиб, белидан чиқди.

Ҳасирни оғир ҳолатда 3-шаҳар шифохонасига келтиришди. Хирург Лариса Константиновна Зеленская дарҳол операция қилишга киришди. Унга хирург травматолог Валерий Иванович Черемисин, анестезолог врач Константин Александрович Воробьев, хирургия бўлимининг мудури Нина Валерьевна Крапухина ёрдам беришди. Алюминий «ёйни» олиш учун бўлган операция деярли ўч соат давом этди.

— Вошқа, — дея ҳикоя қилади хирург Л. Зеленская, — оёқ ва қўлнинг кесилиши қўлларидан арра билан тағини аралашга тури келди. Бўлмаса уни сўғуриб олиш ниҳоят хавфли эди. Кейин операция бошланди...

Ҳозир Виктор Колесников тузалаяпти. Қайфияти яхши. Врачларнинг руҳсати билан у кўрпадан турайти.

«Известия» мухбири Калугадаги воқеани шарҳлашчи Скар...

Философий номли Тез ёрдам ташкилотининг институти директорининг «Уринбосари», медицина факультети доктори А. Кузьмичевдан ялғимос қилди.

— Бу жуذا қамбў воқеа, — деди Александр Павлович. — Менин кўп йиллик жароҳатлик практикада бундай воқеа рўй бермаган. Махсус медицина матбуотида ҳам бундай воқеалар кам учрайди. Шундай экан, беморни ақойиб врачлар қўлига тушганлиги билан табрикланса бўлади. Вақтдан фойдаланиб, Лариса Константиновна Зеленскаяни ва унинг қасбдошларини муваффақиятли ўтказганликлари билан чин қалбдан табриклияман. Касаллик тарихини тўла билмай туриб, мен бу ҳақда баҳаскорлик қилишга оқилолмайман. Эҳтимол, ҳаёт учун энг зарур бўлган органлар, масалан, жигар жароҳатланмаган бўлса керак. Бўлмаса, ҳар қандай операциянинг ҳам фойдаси тегибман бўларди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бундай операцияни ҳозирги замон медицина жиҳозларисиз, тез ёрдам системасини яхши бўлмайди. Юсак малакали хирурглар иши Калугада медицина хизмати яхши таъкит қилинганлигидан далолат беради.

ЭНГ ҚИММАТБАҲО...

Франциялик Жозеф Фирс томонидан навиъ этилган «Апокалипсис» деган китоб «яқойиб ва энг қимматбаҳо» китоблар экан. Китоб таълимайдиган металлдан шилланган, умумий оғирлиги бир ярим тонна бўлиб, Сан-Пауло шаҳрининг тарихига бағишланган. Китобнинг нархи 100 миллион франк дир.

Ажойиб хотира

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Александр Алехин ўзи ўйнаган минглаб шахмат партияларининг ҳар бирини ёддан билар экан.

Сўранг, жавоб берализ

ГАЗ ПЛИТАЛАРИНИ ТОЗАЛАШ

«Мен газ плитани, конфоркаларини тозалаш туриш керак» деганга соф. жузафайёнишини билмаган. Ора-сира совиқ сурилган латта билан тозалаш турарман. Бирок доғлар, занглар кетмайди. Албатта, уларни тозалашнинг бошқа йўли ҳам бўлса керак. Илтмос, шуни газета орқали айтишга «Гузлар», деб ёздил Кублишев районда истиқомат қилувчи Фотима Эгамбердиева.

«Тошкент оқишони» ҳажв дафтарида

КАШАНДА

Сингилга бир чекишга, ҳумор тутгани чоғи, Зиёни билар, боши қотиб чекар кашанда. Тугаб қолса папирос, унга олам қоронғи. Бир чекишга виждонини сотиб чекар кашанда. Эртаю кеч тутатиб, оғзи тийини кўрмайди, Икки пачка папирос, ҳумор бости қилмайди, Туни билан йўталиб, ухлагани билмайди. Узин бор гаimgа ошно этиб чекар кашанда. Кўрган азобларини асло писанд қилмади, Дўстларининг сўзини назарига илмади, Охир бели мункайиб, кўрмагани қолмади, Эндир дарад ва азобга ботиб чекар кашанда. Илгарироқ ташласа, бўлар эди кўп осон, Афсус, афсус кечинди, ҳаёти бўлди ҳазон, Нақл борку азапдан: «Бейфойда сўнги пушмон», Энди кўрпа-ёстиқда ётиб чекар кашанда.

Аҳмадали ТЕШАБОВ.



Сиз уйингизда тутқуш боққанмиёз? Бу кўш жуذا қизиқ. Уни сўзлашга ҳам ўзатиш мумкин. Лекин тутқушлар дам олаётган пайтда худди ҳаёти сураётгандек маънос бўлишади.

«Яхши хислат, гузал фазилат»

ҚАССОБГА МОЙ, ЭЧКИГА ЖОН...

Бир бемор оғриққа чўда олмасдан арап нафаас оларди. Тўладан келган иккинчи бемор эса унга мақта-нардди.

— Бултур десангиз, ўз машинасида узоқ-узоқларга бориб сайр қилиб келдик...

Бемор оғриқдан ҳамон «ах-воҳ» дея дард тортарди.

— Ҳа, айтгандек, — деди семиз киши. — Енимда яна бир ҳисобчи билан бухталтер ҳам бор эди... шунангизни маншат қилдингиз...

— Қассобга мой қайгу, эчкига жон қайгу, деб бекорга айтилмаган экан-да, — деди оғир бемор, — гапнингизни бас қилинг, биродар!

Т. УНАБОВ.

Антиқа лугатлар

Саксон оға домла Замоний билан ўқрашиб қолди, қўллаб қўлқатли сўзлар кийиб юрганнинг айтиди.

— Мен эса қисқача лугат тузаяман, — деди домла Замоний. — Сиз кекса отаимизсиз, шунинг бир кўриб беринг.

Лугат шундай тартиб қилинган эди: ҚУРУҚ САВЛАТ—Тўхтаб қолган осма соатлар, лампочкасиз столбалар, ишламайдиган телефон трубкалари, ЯШИРИН АРХИВ — Магазинчиларнинг камбў мол сақлайдиган прилавкиси.

БЮЛЛЕТЕНЬ — Базмдангасе, ишқимасларнинг доимий хўжакати.

ЮЛЧИК — Пул олиб, билет бермайдиган автобус автоматлари ва баъзи шоферлар.

Саксон оға бу лугатларни ўқиб, тўғри дегандек жиймайиб қўйди.



«Қиш гуллари».

САККИЗЛИКЛАР

Булут ёмғир қамчис билан Савалайди кўм-кўк майгани. Майса азоб кечиб ўринга Гуркиранди улғайиб тани.

Гупрү сен ҳам булут сингари Севги чўғин босасан таңга. Кул қилай деб кўндирган саринг Ишиқинг қалбада олар аланга.

Тилла эркан ҳашамларни Енар жийвер-жийверлаб. Кубба-қубба минг бир нақши Кўзин олар сеҳрлаб.

Зирак кўрин ортан сари Кўвонтира ўзгани. Мени қийнар жоним сенинг Кўлогингни чўзгани.

Зиёд КОМИЛОВ.

Плиталарнинг чўян конфоркаларини тозалаш учун плитча симчўтга ёки дарағ гезлама ларнасиз, қалин элақда эланган пиштукунини, майда қуруқ қўш ёки металл буюмларини тозалаш учун ишлатилган ҳар қандай порочоқ қўллаялди. Шу айтилганларнинг тўртдан бир қисмига чой содаси қўшиб, сал-пал хўлаб ишқаласе иш яна ҳам нўнгиладигайди бўлади.

Конфоркалар тозаланганда кейин сувда чайиллади, артиб қурилади ва сал-пал қиздириб, сиртига билнар-билнимас алифмой суртлади. Металлга чиройли қора түс бериш учун алифмойга озгина қора мойли бўёқ (бундай бўёқ тубиқларда сотилади) қўшилади. Шундай қилиб конфоркалар ун икки соат қуритилиши вараур.

Духовканинг металл патиселари (тўр, бурчакли) туғича тозалари) мой билан артилиб, оловда куйдирилса, зангламайди.

Сабҳат — роҳат деганларидек, шахримандаги мана бу кафеда дам олиш, мирқиб ҳордиқ чиқариш жуذا роҳат. Шунинг учун ҳам бу кафега «Сабҳат» деб ном берилган.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАР

ВЛАДИМИР областидаги «Коммунар» совхозда яшовчи Василий Балакин бир кун қалин ўрмондан қишлоққа келаётган экан. Йўлда у орасидан тулки қувиб келаётган бир қуённи кўриб қолди.

Бирок, қуён кўрқок эмас экан. У тўсатдан тўхтабди ва этиб келган сарки яқриқчини ўзининг орқа оёқлари билан тегиб юборибди. Шундан сўнг, жанг бошланб кетди. Қуён жон-жаҳди билан олишаётганига қарамай, куддан тийибди. У бир неча минутдан кейин жон берибди. Лекин тулки ҳам тирки қолмабди: доворак қуён унинг қорнини ёриб ташлаган экан...

Бир кун Свердловск областидаги «Россия» совхозининг чорбоғида болалар тўсатдан: «Мушукча Васяка парвоз қилиб, осмон-фатанга чўкиб кетди!» — деб чўвилаб қолшибди. Воқеа бундай бўлган экан.

Мушукча мактаб ёнидаги азият туп теракиннинг устига тирмашиб чиққан экан. Шу лойт, теракиннинг ластик шохига бир қарга келиб қўнбди. Бунинг кўрган Васяка фурсатин қўлдан бермай, дарров қўшининг устига сакрабди.

«Пассажирли» қарга бир неча минутгача улар устига ўчиб юрибди. Кейин тўсатдан кескин бурчланган экан, Васяка ўзини тўтиб қололмай, қор устига йиқилиб тушибди ва бир силкиниб олгач, югурганча уйига жўнаб қолди...

Учовли жанжаллашди: ХОТИН: — Бўлди, бўлди! Сизнинг вақтингиз тугади, энди мен гапирман.

БУЮРТМАЧИ: — Мен сизга ярим пальто эмас, пиджак буюртгандим.

ТИКУВЧИ: — Товба, кеча шу гапнинг тескарисини бошқа бир оловдан эшитгандим, одамларга нима бўлган ўзи!

УҚИТУВЧИ: — Айтчи, Шомансур, Ер юзиде энг совуқ жой қер?

УҚУВЧИ: — Бизнинг синф.

— Муборак бўлсин, Тешавой, гараж қурибсиз, машина олмақчимисиз!

— Учта потереймга ишониб гараж қургандим, ҳеч нарсачиқмади.



«Зангали» хангомалари

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23-ЯНВАРЬ, 1971-Ҳ.

Вахшийлар



Америкалик интервентлар, Вьетнам, Камбоджа, Лаос халқларига ўлим ва vayронагарчилик келтирмоқда.



«ШПИГЕЛЬ», ГАМБУРГ.

Америка ҳарбий корчалонларининг Жанубий Вьетнам ватанпарварларига нисбатан қилаётган ваҳшийликлари эндиликда бутун ер юзига маълумдир. Биргина Сонгмидаги дахшатли оммавий қирғиннинг нақадар қабиҳлигини ҳеч ким унутмайди. Ана шу қабоҳатлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Америкаликлар билан суҳбатлар» китобидан айрим парчалар босилади. Китоб автори таниқли Америка юристи Марк Лейндир.

АҚШ армиясининг Вьетнамдаги жиноятлари тўғрисида америкалик солдатларнинг ўзлари ҳикоя қилоқдалар. Улар барча ана шу қабиҳликларнинг шохидлари ва бевосита иштирокчилари бўлганлар.

Небраска штатидан Чак Оуенс

— Сизга ҳарбий асирларни қандай сўроқ қилишни ҳеч ўргатишмади?
— Ҳа.
— Қандай?
— АҚШнинг ҳарбий базаларида. Бирок мени Вьетнамга юборишларидан бир ой олдин машғулотлар сармалари ўқитиладиган бўлиб қолди. Бофорт (Жанубий Каролина) ҳарбий денгиз баасида бизга чапаларда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни ўргатишди.

— Ким инструктор берди?
— Купинча унтер-офицер. Бирок баъзан бу ишчи офицерлар ҳам олиб борди.
— Сизни нимага ўргатишди?
— Ҳарбий асирларни қандай қилиб қайташга.
— Масалан?
— Масалан, ҳарбий асирнинг оёқ кийимини ечиб, унинг товонига уришга. Бирок бошқа усулларга нисбатан бу энг оддийси эди.
— Қийинини яна қана қандай усуллари ўргатишди?
— Аниқ мисоллар келтира ола-сизми?
— Бизга электр асбобларидан фойдаланишимиз мумкинлигини айтишди. Чунки биз электрларни асир-ларнинг жинсий органлари-га қўйишимиз зарурлигини айтишган.
— Сизга қийнаш техника-сидан қандай фойдаланиш-ни намоён қилишганими?
— Бизга нима қилиш ке-раклиги тасвирланган сурат-ларни кўрсатишди...
— Офицер қийноқ жадвал-ларини доскага ёзиб кўр-сатдими?
— Йўқ, суратлар босмахо-нада жадвал шаклида ёзиб чиздирилган эди.
— Сизни яна нималарга ўргатишди?
— Одамларнинг тирноқ-ларини қандай кўчириб олиш-га?
— Бунинг учун қандай ас-бобдан фойдаланишни мас-лаҳат беришди?

— Радиотехникада фойда-ланиладиган оддий омбир-лардан.
— Буни сизга ким ўргат-ди?
— Унтер-офицер.
— Қийноқ учун яна қан-дай асбоблардан фойдала-нилди.
— Бамбук пояларидан. Бундан қандай фойдалани-шинг бир неча усуллари бор.
— Улардан бирини айт-сангиз киёло.
— Бамбук поялари ку-лоққа тиғилади.
— Сизга бу усулларни ҳар-бий асирларда синаб кўр-сатишганими?
— Ҳа. Бир гал улар бир-йигитни олиб келиб, унинг товонига уридилар. Сўнг қор-ни билан ерга ётишни буюр-дилар ва елкаларига милтиқ-қўндоғи билан тушира бош-ладилар...
— Сиз хотин-қизларни қан-дай қийнаш тўғрисида ҳам бирор кўрсатма олганиниси?
— Ҳа.
— Қандай кўрсатмалар?
— Буларнинг ҳаммаси ҳам ваҳшиёна эди. Шунинг-учун бу ҳақда гапирманам ҳам маълумроқ. Гапириб берганим билан бундан нима-фойда? Мен уларни сира хо-тирламасликка, айниқса хо-

тиларни қандай қийнагани-мини унутишга ҳаракат қи-ламам.
— Мен бу ҳақда аниқ маъ-лумотлар олишим зарур бў-лгани учун сўрайман. — Сиз ўзингиз эшитдингиз, прези-дент Никсон, Сонгми — бу-лганга воқеа эди, деди. Асо-сан америкалик солдатлар олийжаноб ва нисбатан со-лдатлардир, деди. Хўш, эндиликда Америка денгиз-либда аскарлари Вьетнам-ликларни қийнашнинг янги усулларини қўллашга таян-гани, бу ҳақда жим туриш керакми? Сиз нима деб ўй-лайсиз?
— Тўғри, бизни албатта қандай қийнашга ўргатиш-ди. Аммо бизнинг йигитла-римиз ҳеч нарсани билишни-истамайдилар ва бу ҳақда ўйламайдилар. Борди-ю, ме-нинг бу айтганларим жинда-бўлмас бироз фойда келти-радиган бўлса ҳам унда айтганим бўлсин.
— Асир қизларни қий-нашнинг қайси усулларини-сизга маслаҳат беришди?
— Асирга тушган қизлар-ни истаганимизча зўрлами-миз мумкинлигини айтишди.
— Яна нимами?
— Бизга фосфор бомба-ларини қандай очиб ва ба-даннинг сезги органларига уни қандай тиқиб йўллари-ни кўрсатишди. Бу терини-куйдирди ва баданга қаттиқ-огриқ пайдо қилди.
— Биринчи навбатда ба-даннинг қайси органларига-фосфор тиқибни айтишди?
— Қўз ва жинсий орган-ларга.
— Вертолётлардан фойда-ланиб қийнаш ҳам ўргат-тишганими?
— Ҳа... Улар Вьетнамда-бир асирнинг қўз-оғзини ик-ки вертолётга боғлаб қийна-галарини мамнунат билан-узюқ гапириб бердилар. Вер-толётлар икки томонга учиб, асирни иккига бўлиб ташла-ган.
— Бу ҳақда сизларга ким-гапириб берди?
— Менинг мураббийла-римдан бири. Унтер-офицер.
— У бу воқеани ўзи кўр-ган эканми?
— Ҳа, қатнашганини айт-ган эди.
— Сиз вертолётлардан-фойдаланиб қийнашларнинг-кўп усулини билдирганими?
— Бизни бунга тажрибали-мутахассислар ўргатишди. Вертолётлардан фойдаланиб-қийнашнинг турли хил усул-ларини ўргатди. Масалан, вертолётга аризон боғлана-ди. Бу аризон автоматик су-ратда кўтарилиб тушади. У-нинг вазираси асирни су-вага бўктириб олиш. Бизга асирни бир аризон билан-ўзини боғлаб, иккинчи, унда-ингичкароқ аризонни-буйинга солишни ўргатишди. Бунда асирни қийнаб бўл-ганча, ўша аризонда осилиш-кўзда тутилган. Баъзан асирларни вертолётдан осил-тириб, дарахтларнинг учига-тегишиб олиб ўтардилар. Бунда бора-бора асирдан бир-бурда ҳам қолмасди...
— Сўроқ қилиш ва қий-нашнинг ўргатиш муддати-узюқча бўлиши?
— Ҳар, ҳафтадан беш-мартдан машғулот ўткази-лганда олти ойдан ортироқ-вақт кетди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23-и да Чино-сан, 24-и да Улиқ маина ва етти баҳодир ҳақида эртан (кундузи), Ринголетто (кечкурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23-и да Мирзо Улугбек, 24-и да Шоҳ Эдил.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23-и да Халима, 24-и да Навоий Астробада (кундузи), Ешлинда берган кўнги (кечкурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 24-и да 2-абонемент, бў-лишча учинчи концерт-лекция (кон-церт-лекция кундуз соат 2 да бошланади).

САРОНИ (кеч 6 ва 8.45 минутда). Жаннатдан қувилган — НАВОИЙ НОМЛИ (Ўзбек тилида, кеч 8.40 минутда).

24 ЯНВАРДА

Эгер юлдашлари (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 «НИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 8.45 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 НИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 9 да), «Кўнча» (ортаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8 да).

Шпесардаги кунуноқ даврлар — «СПУТНИК», «МОСКВА», «НАИ-КА» (кундуз ва кечкурун).

Иккинчи омаи: сир (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (ортаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да).

Цирк — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Директор (2 серия) — САҲЪАТ САРОНИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

Кино

25 ЯНВАРДА

Эгер юлдашлари (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 «НИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 8.45 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 НИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9 да), «Кўнча» (кеч 8 да).

Шпесардаги кунуноқ даврлар — «СПУТНИК», «МОСКВА», «НАИ-КА» (кечкурун).

Иккинчи омаи: сир (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 7 ва 10 да).

Цирк — «ВОСТОК» (кечкурун).

Директор (2 серия) — САҲЪАТ

Тошкент Политехника инсти-тутини автомобиль йўзлари фа-культетининг 3-курс студенти ҚАДРИЛИ УКАМИЗ

ХАБИБУЛЛА ЮСУПОВНИ ТУТИЛГАН КЎНИ ВИДА

табриклаймиз

ҳамма сизга саломатлик ва бах-тсизлик ва ўқинишларингизда нурта муваффақиятларини кўнга ки-риштиришни тилабимиз.

Ақллари: АНВАР, ТАЛЪАТ, ШАВНАТ, ГАЯ-РАТ.

Свердлов номли концерт залида

26, 27, 28 ЯНВАРДА

М. КОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ХАШИТОВА

Солистлар: Гулшод ОТАБОВА, Гулчехра ИСМОИЛОВА, Ша-риф КАРИМОВ, Шариф ҚУРБОНОВЕВ-Қизилархон ДУСТМУҲА-МЕДОВА, Дилафруз ЖАВБОРОВА, Қодир МУМИНОВ, Фахрид-дин ДУСТМУҲАМЕДОВ, Хотам ХУНАЕВ, Аҳмад ШУКУРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — ҒУЛОМ ТОҶИҚОВЕВ олиб борди.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан соти-лади.

4 февраль кундуз соат 2 да В. И. Ленин номидаги Тош-кент Давлат университетининг биология факультетининг илмий дара-жалар берувчи илмий совет кенгаши (К. Марк кў-часи, 35-уй, 103-аудитория)да биология факультетининг илмий даражасини олиш учун Г. А. Чининова: «Илмий атро-фдаги микрофлора ва унинг-ингичка тоғлиги сўзга таъ-сир» деган темада;

А. Т. Инезов: «Вухоро вока-синил Зарафшон дарёси чап-киргичи тушроқлари ва улар-нинг агрономик харақатлари-на» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан уни-верситет илмий кутубхонаси (Университет кўчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

4 февраль кундуз соат 2 да В. И. Ленин номидаги Тош-кент Давлат университетининг тарих факультетининг илмий дара-жалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳар-часи, ТошДУ, Бош корпус, Г.304 аудитория)да тарих фа-культетининг илмий дара-жасини олиш учун

Е. Қодирова: «Ўзбекистон қишлоқлари маданий савия-сининг юксалиши (1959-1965 йиллар)» деган темада;

А. Т. Қучуқалиев: «Грешли Коммунист» партиясининг тарихида ўқилиши ва ривожла-ниши (1918—1928 йиллар)» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан уни-верситет илмий кутубхонаси (Университет кўчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

«МОСКОНЦЕРТ»

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

4 ФЕВРАЛДАН 12 ФЕВРАЛГАЧА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ЭСТРАДА УСТАЛАРИНИНГ

КАТТА ЭСТРАДА ТОМОШАЛАРИ

«ЭСТРАДА ЕЛКАНЛАРИ ОСТИДА»

(икки бўлимдан иборат музикали саёҳат)

В. ГАМАЛИЯ мўзикаси

В. ВИНОГРАДСКИЙ, О. ВОЛИН, С. КАРАСЕВ, В. РЕВ-ЗИН интермедиялари.

Қ А Т Н А Ш А Д И Л А Р :

РСФСР халқ артисткаси Клавдия ШУЛЬЖЕНКО

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Сергей ЧИСТЯКОВ.

Николай ЦУКИН, Надежда ТАШИННИНОВА, Олег МИЛЯВСКИЙ, Михаил ва Юрий ГУСАКОВЛАР.

БИЗНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАРИМИЗ

Вена ва Варна шаҳрида ўтказилган халқаро эстрада артистлари конкурсининг лауреати ЛЕВ ЛЕФЕТОВ (Польша).

«ИНКОГНИТО» ВОКАЛЬ КВАРТЕТИ

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреатлари Роберт ГУРСКИЙ, Виктор ЧИЧЕРИН, Юлия РОМАНЕН-КО, Борис СОРОКИН.

«АККОРД» ВОКАЛЬ АНСАМБЛИ

ҚИЗЛАР РАҚС АНСАМБЛИ

«РУС СУРАТЛАРИ» ВОКАЛЬ-ИНСТРУМЕНТАЛЬ ТРИОСИ

Н. ОНЕГИНА, Н. ДАВЛАТБЕКОВА, Р. КОВАЛЕВСКАЯ, В. ЯРОСЛАВЦЕВ, В. КРУГЛОВ, А. ГОРЯЧЕНКОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСНИНГ ЛАУРЕАТИ СССР спорт мастерлари С. КУЗЬМИН, А. ИОНОВ, Н. МОИСЕЕВ, О. МАНУШКИН иштирокида

«РУС ПАҲЛАВОНЛАРИ» АКРОБАТИК ГРУППАСИ

ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ

Бош дирижёр—Александр ГАРБАТИХ.

Александр ТАРТАКОВСКИЙ раҳбарлигидаги

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Конференс ва интермедияларда Леонид ШИЛОВ ва Виктор БУСОВ.

Постаюва—Ариадна ГАЛЯ, Валерий КОЛЕСНИКОВЛАР илки.

Хореография—Туркменистон ССР ва Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган санъат ходими Николай ХОЛФИННИКИ.

Рассомлар—Алла ЧЕРНОВА, Виктор ДУРГИН.

Балетмейстер—Николай МОШКОВ.

Концертлар кеч соат 7 яримда бошланади.

6, 7 февралда концертлар кундуз соат 1 ва кеч 7 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўрши учун заявбалар қабул қилинади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассаларида ҳар кун кундуз соат 2 дан со-тилади.

4 февраль кундуз соат 2 да Тошкент политехника инсти-тутини химия-технология факультетининг совет кенгаши (Т. Шевченко кўчаси, 1-уй)да тех-ника факультетининг илмий даражасини олиш учун

Б. И. Қосимқўмаев: «Спирт-ли комплекс усули билан то-залашни текшириш» деган те-мада;

В. Қаҳқоров: «Шахтали оҳан тошларини куйдириш печла-рини совутиш зонаси табиий газни юбориш мумкинлигини текшириш» деган темада.

4 февраль кундуз соат 2 яримда архитектура ва кури-лиш факультетларининг совет кенгаши (И. Копас кўчаси, 16-уй)да техника факультетининг илмий даражасини олиш учун

Е. А. Столярова: «Курилиш керамикаси сифатини ва унинг-структурини хусусийлигини ҳисобга олган ҳолда изорат қилишни ультрависустиге усу-лини текшириш» деган тема-да;

Е. А. Исақонов: «Лойли туپ-роқларни оқувчанлигини фа-воҳар кўчланганлик ҳолатда текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан инсти-тут кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй)да танишиш мумкин.

10 февраль кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология фа-культетининг илмий совет кенгаши (Х. Сулаймонова кўчаси, 33-уй)да геоло-гия ва минералогия факультетининг илмий даражасини олиш учун

Б. И. Исоқонов: «Ўғом ва Писсон тилмалари ўрта Тили-Шайдағи қўни тошқўмир ё-қинларининг литологияси» деган темада;

Ш. Жўраев: «Тўполонг—Оби-ларанг (Хисор тоғларининг жанубий-ғарбий тармоқлари) дарё оралигидаги ўрта эвен ёқинларининг фосфоритли-лиги» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг кутубхонаси (Х. Сулаймонова кўчаси, 33-уй)да танишиш мумкин.